

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 855-ҳадис

855/1785 – وَعَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ سُرَاقَةَ بْنَ مَالِكِ بْنِ جُعْشَمٍ لَقِيَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْعَقَبَةِ وَهُوَ يَرْمِيهَا، فَقَالَ: أَلَكُمْ هَذِهِ خَاصَّةٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: لَا، بَلْ لِلْأَبَدِ.

855.1785. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхумо бундай сўзлаб берди:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ва у зотнинг асҳоблари ҳажга эҳром боғлашди. Уларнинг ичида Набий соллаллоху алайҳи васаллам ва Т-А-лҳадан бошқа ҳеч кимда ҳадий йўқ эди. Алий Ямандан ҳадийси билан келди. У: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам нима деб эҳром боғлаган бўлсалар, ўшанга эҳром боғладим», деди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам ёнида ҳадийси борлардан бошқа асҳобларига ҳажни умрага айлантиришни, Байтни тавоф қилиб, сўнг сочларини қисқартириб, эҳромдан чиқишга изн бердилар. Улар: «(Эҳромдан чиқиб) закаримиздан (маний) томиб турган ҳолда Минога борамизми?!» дейишди. (Бу гап) Набий соллаллоху алайҳи васалламга етиб борди. Шунда у зот: **«Агар аввал қилган ишимга энди рўпара бўлсам, ҳадий атамаган бўлар эдим. Агар ёнимда ҳадий бўлмаганида мен ҳам албатта эҳромдан чиқар эдим»**, дедилар.

Оиша ҳайз кўриб қолди. У ҳаж амалларининг барчасини бажарди, фақат Байтни тавоф қилмади. Пок бўлгач, тавоф ҳам қилгач: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизлар ҳаж ва умра қилиб қайтасизлар-у, мен фақат ҳаж қилиб қайтаманми?» деди. Шунда у зот Абдурраҳмон ибн Абу Бакрга у билан бирга Танъимга чиқиб келишни буюрдилар. Шундай қилиб, у ҳаждан кейин Зулҳижжада умра қилди.

Суроқа ибн Молик ибн Жуъшум Набий соллаллоху алайҳи васалламни Ақабада тош отаётганларида учратиб қолиб, «Бу (ҳажни умрага айлантириш ёки ҳаж ойларида умра қилиш) сизларга хосми, эй Аллоҳнинг Расули?» деди. У зот: **«Йўқ, абадий»**, дедилар».



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI